



МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕГИОНАЛИЗМИ

Назаралиев Бахром Илхом ўғли

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Халқаро иқтисодиёт ва менежмент” факультети ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий

ишлар бўйича декан мувонини

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7312280>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, Марказий Осиё Республикаларининг ўзаро ҳамкорлиги, умумий манфаатлар ва мақсадлар йўладиги ҳатти-ҳаракатлари ҳамда умумий таҳдидларга қарши биргаликдаги кураши ҳақида сўз боради. Шунингдек, Марказий Осиё минтақавийлашувининг хронологик тавсифи ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, манфаат, тарих, чегара, иқтисод, минтақавийлашув, ташқи сиёsat, прагматизм.

Марказий Осиё маконидаги геосиёsat ушбу давлатлар мустақилликни қўлга киритган даврдан ҳозирги кунга қадар турлича кечган. Йирик давлатлар манфаатлари тўқнашган ушбу маконда яшаш учун кураш омили тизимли аҳамият касб этиб бормоқда.

Жорий йилнинг 21-июль куни, Қирғизистон Республикасининг Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 4-сиёсий маслаҳат учрашувлари бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир доирасида, Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар ва экология йўналишлари бўйича муҳим стратегик аҳамиятга молик бўлган таклифларни илгари сурди. Қолаверса, қўшни давлат раҳбарлари томонидан ҳам худди шу мазмундаги таклифлар у ёки бу кўринишда тақдим этилди.

Ушбу таклифларни амалга оширилиши нафақат Ўзбекистон учун балки қўшни давлатлар учун ҳам бирдек ижобий натижаларни юзага келтиради. Энг муҳими, ушбу манфаатлар ҳамма томонидан бирдек эътироф этилиб, объектив зарурат сифатида кун тартибига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов Марказий Осиё маконидаги барқарорликни таъминлашнинг энг асосий шарти – бу аввало ушбу давлатлар ўзаро ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ўрнатиши лозим эканлигини инобатга олган ҳолда, бу борадаги муносабатларни институционаллаштириш бўйича илк ташабbusларни олға сурган.



- ❖ 1993-йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1994-2000-йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш түғрисида Битим имзоланган;
- ❖ 1994-йил 10-январда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида “Ягона иқтисодий макон” ташкил этиш түғрисида Шартнома тузилган;
- ❖ Мазкур шартномага 1994-йил 16-январдан Қирғизистон Республикаси ҳам қўшилган;
- ❖ 1996-йил 23-августдан Олмаота (Қозоғистон) шаҳрида ўтказилган Давлатлараро кенгаш мажлисида Россия ва Тожикистон кузатувчи сифатида ташкилотга қабул қилинган;
- ❖ Россия ва Тожикистон 1998-йил 26-март кунидан расман аъзо бўлиб киришган;
- ❖ 1998-йил 17-июльда Чўлпонота (Қирғизистон) шаҳрида “Ягона иқтисодий маконни ташкил этиш түғрисидаги шартнома” иштирокчилари – Марказий Осиё давлатларининг минтақавий бирлашмаси “Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти”(МОИХ) номини олган;
- ❖ 1999-йилдан давлатлараро кенгашда Грузия, Туркия ва Украина кузатувчи мақомида иштирок эта бошлаган.

Минтақа ягона иқтисодий маконини шакллантириш, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўзаро ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, интеграцион жараёнларни, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маъданий ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳимлигини хисобга олган ҳолда биринчи президент томонидан ҳамжамият фаолияти доирасини кенгайтириш ва уни “Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти” (МОХТ) деб аташ таклиф этилган.

- ❖ 2001-йил 28-декабрда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат бошлиқларининг Тошкент Баёнотида Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотини (МОХТ) тузиш хақида Шартнома имзоланган;
- ❖ 2004-йил 18-октябрда Душанбе (Тожикистон) шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Россиянинг МОХТга қўшилиши бўйича Протокол тасдиқланган;
- ❖ 2005-йил 6-октябрда Санкт-Петербург шаҳрида (РФ) бўлиб ўтган саммитда МОХТ Евросиё Иқтисодий Итифоқига (ЕОИИ) қўшилиши бўйича Қарор қабул қилинган.

Мазкур санадан бошлаб, Марказий Осиё давлатлари манфаатларига хизмат қилиши режалаштирилган ташкилот фаолияти тўхтатилган.

ЕОИИ – бу ўз аҳамиятига қўра Россия манфаатларига хизмат қилувчи ва ҳар қандай трансформациялар ўтказилган тақдирда ҳам асосий мурувват иқтисодий капитали нисбатан юқори бўлган Россия Федерациясида қоладиган ташкилий тузилма эканлигини иқтисодчи олимлар бугунги кунда ҳам муҳокама қилишмоқда.

Кейинчалик, Ўзбекистон ушбу ташкилот фаолиятидан етарли натижани олмаганидан сўнг, муҳим миллий манфаатлар кесимидан келиб чиқсан ҳолда 2008-йилдан бошлаб аъзоликни тўхтатган.

Эътибор берган бўлсангиз, даставвал ўзаро ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатларига асосланган шартнома ҳар қадамда сиёсийлашиб, яхлит ташкилот кўринишига келиб қолди ва оҳир-оқибат РФ етакчилик қиладиган катта бир ташкилот таркибиغا қўшилиб кетди.

Бу ҳолат қайсиdir маънода жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилган жараён сифатида баҳоланиши мумкин. Дейлик, ЕОИИ таркибида ҳам ўзаро манфаатли ислоҳотларни ўтказиш мумкин эди. Аммо, Россия омили бунга йўл бермаган.

Марказий Осиё маконининг ўзаро ҳамкорлиги динамикасининг ошиши РФ томонидан уларнинг манфаатига тўғридан-тўғри зид бўлган воқейлик сифатида баҳоланади.

Хоҳ иқтисодий бўлсин, хоҳ ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий соҳаларда бўлсин, Марказий Осий Республикаларининг мустақил қарор қабул қилиб, ўзаро бирлашиши масаласи доимо РФ диққат эътиборида турган, ўз ўрнида турли ҳил йўллар билан доимо таъсир ўтказишга уриниб келинадиган жиддий муаммо сифатида қаралади.

Замонавий халқаро муносабатларда регионализм (минтақавийлашув) омили ўзини табиий намоён этмоқда. Аслини олганда ҳам ҳар қайси макондаги кичик кичик давлатларга бўлинниб кетган маъмурий бирликлар, ўзаро айнанлиги (идентичность) меъзонлари орқали умумий манфаатларини англаб етишини бошлайди.

Бу орқали улар ўз тарихи, маданияти, қадриятлари, урф-одатлари ва давлатчилик хронологиясидаги ўзаро ажратиб бўлмайдиган умумий манфаатлар, таҳдидлар ва унга қарши курашиш заруратини объектив хис қилишади.

Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати орқали Ўзбекистон Республикаси дунё мамлакатлари учун очиқ давлатга айланди. Буни жаҳон ҳамжамияти очиқдан-очиқ эътироф этмоқда.

Ўзбекистон энг аввало қўшни Республикалар билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқди. Узоқ йиллардан буён шаклланиб қолган музлар эриб, чегара ва сув масалаларида нисбатан ижобий ечимлар кузатилди. Энг муҳими яқин қўшничилик муносабатларига қолганлар ҳам лаббай деб жавоб берди. Илмий тил билан айтганда Марказий Осиёда минтақавийлашув юз берди.

2017-йилнинг 10-ноябрь куни, БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда Шавкат Мирзиёев сиёсий ирода кўрсатиб, Марказий Осиёдаги минтақавийлашув динамикасини ушлаб қолиш, хамма учун бирдек манфаатли бўлган масалаларни тезда ҳал этиш ва бу борадаги ишларни тизимлаштириш мақсадида "Давлат раҳбарларининг сиёсий маслаҳат учрашувлари" форматини ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Ушбу формат ташкил этилганидан бошлаб, умумий хисобда 4 марта учрашув бўлди. Мазкур учрашувлар доирасида, катта-катта сиёсий ташкилотлар ўз фаолиятида ҳал эта олмайдиган масалалар ҳал бўляяпти. Таъкидлаш лозимки, ушбу учрашув формати сиёсий ташкилот сифатида аҳамият касб этмаган, давлат раҳбарлари хеч қандай таъсирларсиз, ортиқча расмиятчиликларсиз, керак бўлса протокол тадбирларисиз дилдан гаплашишмоқда.

Содда қилиб айтганда, формат иш берди, муносабатлар анча яхшиланди. Бундан кейин ҳам ушбу учрашувлар доирасида катта-катта масалалар ҳал бўлиши истиқболи юқори баҳоланмоқда.

Кўпчилик эксперtlар ўртасида мазкур форматга сиёсий тус бериб, Марказий Осиё Ташкилотига айланиши эҳтимоллиги бор деган фаразлар ҳам йўқ эмас.

Олиб борилган таҳлиллар, сиёсий маслаҳатлашувлар формати ўзгармаслиги версиясини тасдиқламоқда. Агар ушбу учрашувлар сиёсийлаштирилиб ташкилотга айлантириладиган бўлса, энг аввало кузатувчилар пайдо бўлади.

Сиёсий ташкилот бўлганидан сўнг албатта халқаро ёки минтақавий ташкилотларнинг, қолаверса бирор-бир давлатнинг кузатувчисига таъзиқ қўйиш нотўғри бўлиб қолади. Шунингдек, ўз номи билан минтақавий ташкилот бўлгани учун фаолияти бўйича даврий хисботларни тайёрлаб уни ҳам ОАВ орқали жаҳон хамжамиятига очиқлаши лозим бўлиб қолади.



Кўриб турганингиздек ортиқча мажбурият ва зарурий талаблар пайдо бўлади.

Этиборли жиҳати шундаки, ташкилот ушбу 5 та давлат манфаати учун қарор қабул қилса, бу хақида ОАВ орқали эълон берилса, ушбу қарор қайсиdir субъектнинг манфаатига унчалик хам мос бўлавермаслиги мумкин. Бунинг ортидан эса турли хил ахборот хуружлари ва кераксиз муҳокамалар юзага келади.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, 31 йиллик мустақиллик даврида Марказий Осиё маконида юз берган воқеалар таҳлили, 5 та давлат раҳбарини, алоҳида битта хонада, бегона одамлар иштироқисиз, катта давлатлар эътиборини тортмасдан ўзаро келишиб олишидан мукаммал формат йўқлигини кўрсатмоқда. Яъни, фаолият қанча сиёсийлашса, шунча кўп муаммо ва ортиқча мажбуриятлар пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент, 2020-йил.(<https://lex.uz/docs/20596>);
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: "Ўзбекистон" – 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи (<https://president.uz/uz/lists/view/1227>);
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёноти (<https://president.uz/uz/lists/view/3111>);
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи маслаҳат учрашувидаги нутқи (<https://president.uz/uz/lists/view/4534>);
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат учрашувидаги нутқи (<https://president.uz/uz/lists/view/5360>);
7. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти (<https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/markazii-osiyo-hamkorligi-tashkiloti-uz>).